



2018 йил 31 май

№ РС-33-18

Тошкент шаҳри

**“Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларида компьютер
ва офис ускуналаридан фойдаланиш тўғрисида”ги
Низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларида компьютер ва офис ускуналаридан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларида компьютер ва офис ускуналаридан фойдаланиш тўғрисида”ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Олий суд хўжалик бўлими, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ҳамда жойлардаги судларнинг ушбу соҳага масъул ходимлари ўз иш фаолиятини мазкур Низом талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда ташкиллаштира син.

3. Олий суд Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) тасдиқланган режа асосида видеоконференцалоқа режимидан фойдаланган ҳолда мазкур Низом мазмун ва моҳияти юзасидан судья ва суд ходимларига ўқув-семинар машғулотларини ташкил этсин.

4. Олий суд таркибий тузилмалари раҳбарлари, жойлардаги судлар раислари мазкур Низом талабларига судья ва суд ходимлари томонидан тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш чораларини кўрсинлар.

5. Мазкур қарор Олий суд таркибий тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига ва улар орқали барча туманлараро, туман (шаҳар) судларига ижро учун юборилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Олий суд раисининг ўринбосари Б.Исаков зиммасига юклатилсин.

Олий суд раиси

К.Камилов

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларида компьютер
ва офис ускуналаридан фойдаланиш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларида компьютер ва офис ускуналаридан фойдаланиш тўғрисидаги Низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судлар судья ва суд ходимлари (бундан буён матнда ходимлар деб юритилади) томонидан компьютер ва бошқа офис ускуналаридан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ходимлар мустақил равишда компьютер ва бошқа офис ускуналарида ишлашига қуйидаги ҳолларда рухсат берилади:

- масъул ходим томонидан электр ускуналар билан ишлаш ҳақида кўрсатмалар берилган бўлса;
- иш жойидаги таркибий тузилма раҳбари томонидан дастлабки кўрсатмалар берилган бўлса;
- 1-2 кун давомида хавфсиз ишлаш тартибларини ўрганган бўлса;
- электр хавфсизлиги бўйича оддий қоидаларни билиши бўйича билимлари текширилган ҳолларда.

3. Мазкур Низом қоидалари бўйича ходимлар билимлари йилига бир мартаба текширилади.

4. Ходимлар хизмат вазифаларини, раҳбарият томонидан берилган топшириқларни бажариш жараёнида Олий суд ва қуйи судлар мол-мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари шарт.

5. Ходимлар ўз хизмат вазифаларини иш вақтида бажаришлари лозим.

**II. Ишга киришишдан аввал амал қилиш
лозим бўлган хавфсизлик талаблари**

6. Ходимлар шахсий компьютер билан ишлашда қуйидагиларга мажбурдирлар:

- иш жойини кўздан кечириш ва тартибга солиш;

- иш жойидаги ёруғликни регулировка қилиш, ёруғлик даражаси етарли эканлигига, мониторда ёруғлик акс этмаётганлигига ишонч ҳосил қилиш;

- ускуналарни электр тармоғига тўғри уланганлигини текшириш;

- электр ўтказувчи кабелларни бутунлигини ва очик қисмлари йўқлигини текшириш;

- иш столи, стулни, ускуналарни, мониторинг жойлашиш ҳолатини, клавиатура ва “сичқон”нинг ҳолатини текшириш (зарур ҳолларда иш столи ва стуллар жойлашишини ўзгартириш мумкин);

7. Шахсий компьютер билан ишлайдиган ходимларга қуйидаги ҳолатларда ишлаш таъқиқланади:

- махсус ерга уланиш вилкаси бўлмаганида;

- ускунанинг ишдан чиққанлиги аниқланганида.

8. Ходимларга электр ускуналарни (электр энергия манбаига уланган ҳолда) нам ёки хўл мато (салфетка) билан артиш таъқиқланади;

9. Нам тозалаш ва бошқа ҳар қандай турдаги тозалаш ишлари ускуналарни ўчирган ҳолда бажарилиши керак.

10. Ходимлар ускуналарда аниқланган носозликлар ҳақида таркибий тузилма раҳбарини хабардор қилишлари шарт. Носоз ускуналардан фойдаланиш мумкин эмас.

11. Ходимлар фақатгина ускуналардаги носозликлар бартараф этилганидан сўнг ишга киришишлари мумкин.

12. Электр ускуналарни улаш учун 36, 220 ва 380 вольт кучланишга эга тармоқларни монтаж қилиш ишлари электр хизмати кўрсатувчи ходимлар томонидан бажарилади.

13. Ходимлар электр ускуналарини соз ҳолдаги вилкани соз ҳолдаги электр ток манбаига улаш орқали ёқишлари лозим.

14. Ходимлар ёқилган ускуналар атрофдагиларга хавф туғдирмаётганлигига ишонч ҳосил қилишлари керак.

15. Ходимлар компьютерда ёки бошқа ускуналарда ишлашга рухсат берилмаган шахсларга ушбу ускуналарда ишлашига йўл қўймасликлари лозим.

III. Иш вақтида амал қилиш лозим бўлган хавфсизлик талаблари

16. Ходимлар иш вақтида қуйидагиларга мажбурдирлар:

- таркибий тузилма ходимлари ўртасидаги вазифалар тақсимоти доирасида юклатилган вазифаларни бажаришга;
- иш вақти давомида иш жойини тартибли ва тоза сақлашга;
- ускуналар ва шахсий компьютерлардаги мавжуд шамоллатиш тешикларини очиқ ҳолатда туришини таъминлашга;
- ускуналарни иссиқлик чиқаришини камайтиришга олиб келувчи бошқа бегона жиҳозлар (нарсалар) билан тўсиб қўймасликка;
- ишлашни маълум бир вақт тўхтатиб туриш зарурати пайдо бўлганида, барча фаол вазифаларни тўғри ёпиб чиқишга;
- санитария меъёрларига риоя қилишга;
- электр ускуналардан ёки бошқа жиҳозлардан фойдаланиш бўйича кўрсатмаларга мувофиқ ишлашга риоя қилишга.

IV. Шахсий компьютер билан ишлаш бўйича хавфсизлик талаблари

17. Ходимларга шахсий компьютер билан ишлаш вақтида қуйидагилар тақиқланади:

- ёқилган ҳолатдаги тизим блокнинг (процессорнинг) орқа панелини қўл билан ушлаш;
- тизим блокка (процессорга), мониторга, клавиатурага, дисководга, принтер ва бошқа ускуналарга суяқлик тўқиш;
- мустақил равишда ускуналарни очиш, қисмларга ажратиш ва уларни созлаш.

18. Ходимлар шахсий компьютерни ёқишнинг қуйидаги кетма-кетлигига риоя қилишлари шарт:

- қувват манбаини (блок питанияни) ёқиш;
- ён атрофдаги уланган ускуналарни ёқиш (принтер, монитор, сканер ва ҳ.к.);
- тизим блокни (процессорни) ёқиш.

19. Ходимлар қуйидаги ҳолларда шахсий компьютерни электр тармоғидан узишга мажбурлар:

- носозлик аниқланганда;
- зўриқиш натижасида тармоқ тўсатдан ўчганида;
- ускуналарни ва иш жойини тозалаш ёки йиғиштириш вақтида.

V. Шахсий компьютерда ишлаш жараёнида юзага келадиган авариявий ҳолатлар бўйича хавфсизлик талаблари

20. Ходимлар қуйидагиларга мажбур:

- қувват манбаи кабелнинг узилиши аниқланган ҳар қандай вазиятда, электр ускуналарни ерга уланишдаги носозлиги ва бошқа шикастланишлар аниқланганида зудлик билан қувват манбаини ўчиришга ҳамда раҳбариятни ушбу ҳолат ҳақида хабардор қилишга;
- техник ускуналар ёки дастурий таъминотларнинг нотўғри ишлаши аниқланган ҳар қандай вазиятда зудлик билан тизим администраторига (Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси масъул ходими) муурожаат қилишга;
- компьютердаги носозликлар бартараф этилмагунига қадар, ундан фойдаланмасликка.

VI. Шахсий компьютер билан ишлаш якуни бўйича хавфсизлик талаблари

21. Ходимлар компьютерни ўчиришнинг қуйидаги кетма-кетлигига амал қилишлари шарт:

- барча фаол вазифаларни ёпиш;
- тизим блокининг (процессорнинг) қувват манбаини ўчириш;
- барча ён атроф ускуналарни ўчириш (принтер, монитор, сканер ва ҳ.к.).

22. Ходимлар иш жойини кўздан кечиришга ва тартибга солишга мажбурдирлар.

VII. Электр ускуналар билан ишлаш бўйича хавфсизлик талаблари

23. Ходимлар электр ускуналари билан ишлашдан аввал қуйидаги ҳаракатларни бажаришлари лозим:

- электр ускунани кўздан кечириш;
- эҳтиёт қисмлар тўлиқлиги (бутлиги) ва уларни мустаҳкам котирилганлигини текшириш;
- кабелни (симни) созлигини кўздан кечириш;
- ўчириш тугмасини (выключателни) аниқ ишлаётганини текшириб кўриш;
- фақат одатий ускуналардан фойдаланиш.

24. Ходим носоз электр ускуналардан фойдаланмаслиги ва электр ускуналардаги мавжуд камчиликлар ҳақида раҳбариятни хабардор қилиши шарт.

25. Ходим электр ускуналари билан ишлаш вақтида иш жойини тартибли сақлаши лозим.

26. Электр ускуналар билан ишлашда қуйидагилар тақиқланади:

- ёқик ҳолатдаги электр ускуналарни назоратсиз қолдириш;
- электр ускуналарни, улар билан ишлаш ваколатига эга бўлмаган шахсларга топшириш;
- электр ускуналарга зарба бериш;
- ҳимоя воситаларини олиб ташлаш;
- ускунани, электр токини ўтказувчи кабелдан (симдан) тортиб ўчириш;
- электр токи ўтказувчи кабелни (симни) тортиш, қайириш ва бураш;
- кабель (сим) устига бошқа жиҳозларни (нарсаларни) қўйиш;
- электр ускуналарни қисмларга ажратиш ёки уларни таъмирлаш ишларини амалга ошириш.

27. Ходимлар электр ускуна ёрдамида, мазкур ускуна мўлжалланган ишларни бажариш учунгина фойдаланишлари шарт.

28. Иш вақтида электр ускунанинг носозлиги аниқланса ёки ускуна билан ишлаётган ходим кучсиз ток таъсирини сезса, иш дарҳол тўхтатилиши ва носоз ускуна текшириш ёки таъмирлаш учун топширилиши лозим.

29. Электр ускуналарни қуйидаги ҳолатларда ўчириш лозим:

- ишдаги танаффус вақтида;
- иш жараёнининг якунида.

30. Ходимлар электр ускуналарини соз ҳолдаги вилкани соз ҳолдаги электр ток манбаидан узиш орқали ўчиришлари шарт.

VIII. Якуний қоидалар

31. Мазкур Низом талабларига амал қилинмаган тақдирда, айбдор шахсларга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин.